

МИЛЛИЙ АХБОРОТ-КУТУБХОНА ҲАФТАЛИГИ ЯКУНЛАНДИ

► ҚАРОР ВА ИЖРО



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 сентябрдаги «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарорида Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ахборот-кутубхона фаолияти соҳасидаги маҳсус ваколатли давлат органи этиб бўлгиланиб, агентлик томонидан ушбу йўналишда қатор ишларни амалга оширилмоқда. Айниқса, китоб тарғиботини, китобхонлик маданиятини юксалтиришга, ахборот-кутубхона фаолиятини янги босқич олиб чиқишига қаратилган чора-тадбирлар эътиборга моликдир.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси китобхонларнинг қизиқиши, талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олиб, кутубхона ресурслари билан тўлдириш билан бирга, турли мавзудаги маънавий-маърифий тадбирларни муғтазам ўтказиб келмоқда.

Ана шундай тадбирлардан бирни — бир неча йилдан бери ташкил этиб келинаётган Миллий ахборот-кутубхона ҳафталигидир.

2-бет



Ўзлар олган суратлар

МИЛЛИЙ АХБОРОТ-КУТУБХОНА ҲАФТАЛИГИ ЯКУНЛАНДИ

Бошланғыш
1-бетда

Ҳафталиктинг қамрови кенглиги учун ҳам уни нафақат ахборот-кутубхона муассасалари мутахассислари балки көнг китобхонлар ҳам орзиқиб күтадилар. Чунки ҳафталик доирасидаги тадбирларнинг хилма-хиллиги, йилдан-йилга қизиқарли ва мазмундор бўлиб бораётгани учун у кўпчиликнинг эътиборини жалб қўлмоқда.

Шу ўринда ушбу ҳафталиктинг тарихига қисқача тўхтадиган бўлсак, дастлаб “Китобхонлик куни” номи билан 2003 йилдан ўтказила бошланган. Ушбу тадбир 2005-2009 йиллар оралиғида “Мутолаа байрами” мавзуидаги тадбирлар туркумида давом эттирилди. 2012 йилдан эса Миллий ахборот-кутубхона ҳафталиги номи билан ўтказилмоқда.

Юқоридагилардан қатъи назар, тадбирнинг мақсади ахборот-кутубхона муассасаларига фойдаланувчиларни кенгроқ жалб этиш, уларнинг илм олишлари учун зарур шарт-шароит яратиш, илғор тажрибаларни оммалаштириш, ахборот-кутубхона муассасалари мутахассисларининг малака оширишлари, тажриба алмашишлари учун имконият яратишдан иборатdir.

Бу сафарги Миллий ахборот-кутубхона ҳафталиги жорий йилнинг 30 октябридан 3 ноябрягача бўлиб ўтди. Ҳафталикда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июлдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги, 2017 йил 13 сентябрдаги “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги қарорларида белгиланган вазифаларнинг ижросига алоҳида эътибор қаратилди.

Ҳафталик доирасида ўтказилган 50 дан ортиқ тадбирда иштирок этган ҳар бир китобхон, ахборот-кутубхона муассасалари ҳар бир мутахассисининг эътибордан четда қолмади.

Мазкур ҳафталиктинг аввалгиларидан фарқи – моҳияти тубдан янгича бўлган тадбирларнинг ўтказилишидадир. Ҳусусан, таникли кутубхонашунос, библиограф, тарихчи, китобшунос ва педагог Евгений Беттер шарафига ўтказилган давра сұхбати “Халқаро кутубхона ҳамкорлиги: янги имкониятлар ва ривожланиш истиқболлари” мавзусига бағишлианди. Унда Ўзбекистондаги АҚШ элчихонаси маълумотлар хизмати маслаҳатчиси С.Андерсон “Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ва Ўзбекистондаги АҚШ элчихонаси ўртасидаги ҳамкорлик истиқболлари”, Назарбоев номидаги университет кутубхонаси менежер-эксперти, фан доктори Р.Аленизузла “Кутубхона ассоциациялари халқаро федерациясининг глобал лойиҳалар ва дастурлар шархи (ИФЛА)” мавзусида маъruzалар ўқишиди. Шунингдек, давра сұхбатида Кемерово давлат маданият институти билан видеомулоқот ўрнатилиб, онлайн мулоқот-вебинар ташкил этилди.

Бу йилги ҳафталиқда Давлат стандартлари асосида электрон каталогни самарали ташкиллаштириш, ахборот-кутубхона ресурсларини каталоглаштириш, предметлаштириш ва туркумлаштириш бўйича малака оширишга мўлжалланган “Каталогизатор мактаби”, “Кўлёзмалар ва нодир нашрлар – маърифат ва маданият хазинасига калит” мавзуидаги семинар-тренинг, “Виртуал ва инновацион хизмат кўрсатиш ҳамда АҚШдаги оммавий кутубхоналарда замонавий технологияларнинг қўлланилиши” мавзуидаги семинар ахборот-кутубхона муассасаларининг мутахассислари учун амалий тажриба алмашиш мактаби бўлди.

Ҳафталик доирасида “Китоб ва мутолаа менинг ҳаётимда” мавзуида Ўзбекистон Фанлар академияси академиклари, Ўзбекистон Республикаси фан арబблари – Бахтиёр Назаров, Сойибжон Негматов, “Фидокорона хизматлари учун” ордени совриндорлари – Сайдулла Искандаров, Маҳмуд Салоҳиддинов, Ромэн Зоҳидов, Россия ФАНИНГ И.П.Павлов номидаги мукофот совриндори Бакир Зарипов билан учрашув, “Китоб – билим ва маънавият манбай” мавзуида шоира Умидга Абдуазимова билан ижодий учрашувларда китоб ва китобхонликнинг ўрни ҳақида фикр юритилди.

Бундан ташқари, “Ахборот-кутубхона муассасасининг энг яхши мутахассиси”, “Ислом Каримов асарлари билимдони” кўрик-танловлари ва “Китоб орқали оламни кашф этаман” мавзуида мактаб ўқувчилари билан дидактик-интерфаол ўйинлар ҳафталиктинг янада кўтаринки руҳда ўтишига сабаб бўлди.

Ҳафталик иштирокчиларида баҳши Абдуназар Поёнов билан учрашув, “Кутубхонада шеърият ва мусиқа кечаси” рукнидан Шароф Рашидов ва Комилжон Отаниёзовнинг 100 йиллиги ҳамда Эркин Воҳидовнинг 80 йиллигига бағишлианди назм, наср ва наво кечаси кўпчиликда катта таассурот қолдирди.

Ободбой ҚИЛИЧБОЕВ,

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси илмий методика ва тадқиқот хизматининг бош мутахассиси